

936-2
809

-74

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Мирзо Улугбек номидаги
Ўзбекистон Миллий Университети



ХОЗИРГИ АДАБИЙ ЖАРАЁН

Маъruzalар матни

TOSHKENT TAU



00 00000609

Тошкент - 2000

УЗБ.2
809
Х-74

6086

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ


МИРЗО УЛУФБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ҲОЗИРГИ АДАБИЙ ЖАРАЁН

КУРСИДАН МАЪРУЗА МАТНИ

ЎЗБЕК ФИЛОЛОГИЯСИ ФАКУЛЬТЕТИ
БАКАЛАВР БОСКИЧИ ТАЛАБАЛАРИГА

4744



ToshDU
Тошкент - 2000
Ozbek filologiyasi

Тузувчи: *доц. А. РАСУЛОВ*

Мухаррир: *проф. К. ЙҮЛДОШЕВ*

ХОЗИРГИ АДАБИЙ ЖАРАЁН

Маъруза 16 соат
Амалий машғулот 14x3=42 соат
Рейтингда түпланадиган умумий
балл 34
Шундан 24 баллн үкув жараёнида,
10 баллни якуний баҳолашда
түплеш мумкин.

Кириш. 2 соат.

Филология - Юнонча - *phileo* - «севаман» + *lagos* - «сұзни» маъносини билдиради. Із-
не маңбасарни, матиларни үқиш, үрганиш орқали бирон халкнинг тили/ва адабиёти
сокила түлик маълумот берувчи фанлар мажмусаси. Филология асосан адабиётшунос-
лик/ ва тишинослик кисмларидан ташкил топади. «Лингвистика» фарангы сұз бўлиб
(*linguistics*) асосини юнонча *lingua* (лингва) белгилайди. Литературovedение - ада-
биётшуносликдир. Лотинча Литера (*Littera*) харф дегани. Кадимда метал, ёғоч ва пла-
стикадан силлик бўлакча бўларди-да унинг устига кабарик ҳарфлар териларди. Ли-
тература деганда ёзма ва босма матнлар жамулжами тушунилади. Биз филология фа-
зуалитетида ёзма ва босма бадий матнларни ёхуд санъат турини ўрганамиз.

Санъат турларини профессор Фитрат «Адабиёт коидалари» китобида бундай ифодалайди. «Ўзал санъатлар товар (материал) товуш, оҳанг бўлса, гўзал санъат мусикӣ
буладир; бўёвлар, чизиклар бўлса, расм бўладир; тош ва бошка турли мъядланлар эса,
ҳайкалчилик бўладир; тош, ёғоч, ганч, тупрок, бўлса, мъеморлик бўладир; тан, юз
харакатлари эса ўйун бўладир; гап, сұз эса адабиёт бўладир. Демак, санъат турлари:
1) мусикӣ; 2) расм; 3) ҳайкалчилик; 4) мъеморчиллик; 5) ўйун (танс); 6) адабиёт.»

Бадий адабиёт санъатнинг бошқа турларицаги ҳамма ҳусусиятларни ўзида акс эт-
тиради. Ижодкор жонли, харакатдаги сұз билан ишлайди. Санъаткор бадий асар ёзар
иқан, аввали оҳангни топиб олади. Бадий асардаги барча сұз, түйгуларни ягона, уму-
мий оҳанг бирлаштириади. Ижодкор сўзлардан курилма - композиция ясайди. Ижодкор
сузларни рангин қилиб ифодалайди. Нихоят, бадий асардаги ҳар бир сұз ўз ранги,
муға (хатти ҳаракатига)сига эга. «Ўтган кунлар»да «Сиз ўшами?!» деган ибора,
«Кумушби» ўрнига «Тупрокби» деб ёзди.

Адабиётшуносликтин асосини бадий адабиёт тарихи, адабиёт назарияси ва адаби-
ти тақиқид белгилайди. Бизнинг фанимиз «Хозирги адабий жараён» дейилади. У адаби-
ётшуносликтин қайси асосий фанига тааллукли? Албатта, бадий адабиёт та-
рихи фанига алоқадор. Лекин, унда адабиёт назарияси ҳам, адабий танқид ҳам мав-
жуудир.

Халкнинг бадий адабиёти тарихи билан ҳозирги адабий жараённинг боғликлиги
кандай? Халк тарихи бир бутун бўлганидай, бадий адабиёт тарихи ҳам бир бутун,
яхлитидир. Ўзбек адабиёти тарихи, бизнинг билишимизча, икки ярим минг йилдан кам
йомас. Широк, Тўмарис, Спитамен ҳақидаги ривоятлар милоддан олдинги 400-300
йилларда ёзилган.

Бадий адабиёт тарихи бўлимларга, даврларга, боскичларга ажратилиб урганилади.
Ўзбек адабиёти босиб ўтган тарихий йўлни уч катта кисмга ажратиш мумкин.

I. Энг қадимга турик адаюёт. Милоддан аввалги V асрдан эрамизнинг IX асрига-
ча.

II. Ўзбек мумтоз адабиёти (турк-мусулмон адабиёти) IX- XIX асрнинг I ярми.

III. Янги ўзбек адабиёти XIX асрнинг 70-йилларидан ҳозирги, яъни XX аср охири-
гача бўлган адабиёт.

Хар бир кисмни яна бўлимларга ажратиш мумкин. Масалан, энг қадимий адабиёт Юнон, Эрон боскунчиларига карши кураш бўлими адабиёти; зардуни бўлими адабиёти; «Авесто» ва бошқа диний - маросим адабиёти.

Ўзбек мумтоз адабиёти, табиийки, IX-XII асрлардаги уйгониш бўлими адабиёти; Чингизхон боскунни ва Темурининг жаҳонни забт этиши бўлими адабиётига. Бу XIII асрдан XVI асрларни камраб олади. Хонликлар даври ёхуд инқирот бўлими ўзбек адабиёти. Бу бўлимда ички урушлар, ўзаро низолар, хонликлар аро акс этганлиги кўрсатилади. Шу бўлимда ўзбек адабиёти бирор бўлса-да, жаҳон бўйичидан узилиб қолғанилиги сезилади.

XIX асрнинг 60-йилларида Ўрга Осиёни чор Россияси ўз қарамогига кирити бўлади. Кўйкон хонлиги тутгатилди, Бухоро ва Хива хони чор императорига тобе бўйиб колди. XIX асрнинг 80-йилларидан бошлаб Европада, Россияда миллатларнинг аниангланиш жараёни кечди. Русия туткинидаги туркий халкларда ҳам ўзини англаниш раёни бошланди. Ислом Гаспринский (1849-1914) етакчилигига Кримда, Татарстанда, Бошкирдистон, Туркистонда жадидчилик ҳаракати бошланди. Жадидчилик ҳаркати Туркия билан узвий боғланади. Янги ўзбек адабиётининг бақувват илдишардан бирини жайд адабиёти ва унинг Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Абдулло Авлоний, Ҳамза, Элбек, Сўфизода сингари намояндлари ижоди белгилайди. Шариф адабиёти, айниқса, социалистик реализмни байрок килиб кўтарган мафкура шабабини бадий ижодин камбагаллаштири, одмилаштири. Янги ўзбек адабиёти 60-йиллардан бошлаб инсон ҳақида теран мулоҳаза юрита бошлади. Бу даврда миллий ўзини аноглаш, соцреализм методи андозаларини улоктириб ташлаш тамойили кучайди. Бу Одил Ёкубов, Пиримкул Қодиров насирида, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи поэзисида, Мақсад Шайхзода, Улмас Умарбеков драматургиясида кўзга ташланади. Асримизнинг 80-90-йилларидан янги ўзбек адабиёти ўз тараққиётининг янги хусусиятларини намоён эта бошлади. Бу давр янги ўзбек адабиётida алоҳида ажараллиб туради. Уни ҳаракатдаги ёки ҳозирги адабий жараёни дейиш мумкин. Тарихчинар янги тарихнинг жонли жараёнга туташиб кетадиган бўлганини энг янги тарих деб айтадилар. Биз тарихчилардан ўрнак олиб янги ўзбек адабиётининг ҳаракатдаги кисмими ҳозиринг адабий жараёни ёхуд энг янги ўзбек адабиёти деб аташимиз мумкин.

Янги адабиётда, айниқса энг янги адабиётда истиқбол адабиётининг хусусиятлари ниҳоятда кичик, мурғак ҳолда кўзга ташланади. Мана шу илдиши теран янтиликларни пайтида пайкаш мухимдир. Иккинчидан, янги адабиёт, хусусан энг янги адабиёт тошқиндай, бўронданд, тўлқиндан хотал. Унда ўткинчи, нокерак, илдиз отмайдиган томонлар кўп бўлади. Масалан, социалистик реализм адабиёти янги адабиётининг илдизсиз қисми бўлди. Коммунизм, социализм, колхоз тузуими, кора меҳнатни мадх этиши соцреализм адабиётининг белгиси сифатида эскирди.

Энг янги ўзбек адабиёти хозирча икки боскичга ажратилади:

1. Ошкоралик ва демократиянинг такомили боскичи адабиёти.

2. Истиқбол адабиёти.

Энг янги адабиётининг фалсафий асослари қандай? Фалсафадаги синергетика нима? Таракқиётининг эволюцион йўли деганда нимани англаймиз? Ўзбекистон Президенти асрларида XX асрнинг охири, XXI асрдаги таракқиётининг илмий-назарий-иктисодий маънавий-матриций томонларининг кўрсатиб берилганлиги. Айниқса, таракқиётининг беш тамойили хусусидаги назарий асосининг илдизлилиги. Кадрлар тайёрлашдаги концепциянинг мухимлиги. Маънавият, маърифат, кадрият, баҳолаш ҳақидаги илмий назарий қарашлар. Ҳамид Зиёев, Кўчкор Ҳоназаров, Нажмиддин Комилов, Озод Шарафиддинов, Наим Каримов, Бегали Қосимов. Фозила Сулаймонова сингари олимларнинг маънавият-маърифат, адабий-маданий ҳамкорлик, тарихий-адабий ҳакиқатини тиклаш соҳасидаги илмий фаолиятлари. Бадий ижод соҳасида Имом Фаззолий Баҳовиддин Накшбанд, Хеорг Хегел, Иммануэл Кант, Зигмунд Фрейд, Эрих Фромм сингарилар назарияларининг кенг кўлланила бошлаганилиги. Бадий ижодда лирикрангин, сержозиба, сермъяно сўзнинг кўлланишига эътиборнинг ортганлиги. Филология

бүлшиниши эмас, бирлашишга интилиш тамойилининг кучайганлиги. Адабиёттаги айни иштади етук ташунос булишининг зарурлиги. Аксинча, тилшуносининг оғизи адабиёттунос булишининг зарурлиги. Аййуб Фулом ижоди. Онтология, бағыттар поэзиялари ёхуд шеърий санъатларнинг ҳам адабиёттунос, ҳам тилшуносинин оғизи экандиги. Рецептив эстетика, гермененевтика ва аксиология ҳам тилшуносини адабиёттунос фаолиятида кўлланиши. Ниҳоят, энг янги адабиёттинг ижоди инсон масаласи. Постмодернизм, авангاردизм, рамзийлик, экзистенциализм... шундай адабиёттаги назм, наср, драматургия ва танқидчиликнинг ўзига хос хусудигарлари, намояндигарлари. Адабий жараённинг ботиний заҳоирӣ томонлари.

Адабиётлар

- 1 Назим Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. «Ўзбекистон»-1999.
2 О Шарифийдинов. «Сардафтар сахифалари». «Ёзуви»-1999.
3 И Комилов. Тафаккур карвонлари. «Маънавият»-1999.

ЭНГ ЯНГИ АДАБИЙ ЖАРАЁНДА ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРНИНГ АКС ЭТИШИ ЁХУД АДАБИЙ МЕТОДНИ ИЗЛАШ ЙУЛИДА (4 соат)

Сунити 15-17 йил ичидаги баророт олдик: партия, комфирка шуролар мамлакатида олиб борилган ошкора ва пинҳона сиёсат. XX аср ҳасти ҳақида. СССР - тиконли сим билан уралган маҳбусхона. (Шекспир асарида «Дониё-зиндон»деган бўлса, Ҳамид Олимжон «Пушкин» шеърида «Русия - буюк вайрон, кафандо» дей ҳайкирган эди). Александр Солженицин XX ярмидаги Россияни, аникроғи, СССРни «ўзаро тулашиб кетган ғалобхоналар» («Архипелаг Гулаг»), Вильям Шекспир «Дониё-зиндон», Ҳамид Олимжон «Русия - буюк вайрон, кафандо» деган экан, бу ерда ижодкор руҳининг тунбуши, аклий фаолиятнинг чўккиси, санъаткор вужудининг «лов» этиб ёниши сезигани. Руҳининг жунбушки, аклий фаолиятнинг ўлмас меваси, инсон борлигининг «ярқ» тиб куриниши қачон пайдо бўлади. инсон фикри ва ҳиссининг моддий томони ДМ лейпцили. ЛЭМ - лептоэнергомагнит. Лептон (юнончи-*lentos* - ёнгил) ўта майдаги тарракалардир. Мана шу лептонлар кичик кувват магнитлари билан кўшилса, мұъжиза рўй беради. Мұъжиза, кашфиётнинг моддий таърифидан кўра маънавий таърифи осонроқ. Инсонга акл, истеъодд, интилиш берилган. Акл, истеъоддога узлукчи питтиш, изланиш натижасида мұъжиза яратади.

Инсон мураккаб биологик ва ижтимоий қадрият: у ўтмиш меросхўри айни вактда келажак қашшофи. Ўтмиш ва ҳозирги кун ҳақида жўшиб, сидқидилдан тафаккур юритилса (истеъодд) мавжудлигида, келажак ҳақида мухим ҳақиқат юзага келади. Буни күшинча ижод махсуси дейилади. Ҳақиқий ижод мавжуд вокеликни инъикос этишиниши эмас. У факат носут (ер дунёсини)ни эмас, дохут (самовий) дунёни ҳам рамзилик орқали очади. «Ижод икки дунё орасидаги кўприклир: унда реал вокелик бевосиши эмас, рамзий ифодаларда акс этади» (М. Пришвин «Незабудки»). Поэзия инсонди Ҳмининг ишга тушуши; руҳий ҳолати ва истеъоддининг изланиши натижасидир. Поневинни англаш кийин. «Поэзия - ўҳшатиш, истеъодларнинг юксак алжабри»дир. «Ҳасет бир ён, поэзия бир ён. Бирини иккинчиси билан кориштириб бўлмайди. Инсонни караашлар тугаган жоида, шоир ҳаёти бошланади. Тўғрироғи, моддий одамни шоир одам ибтиносидир. Шоир дунё ҳақида караашларни кенгайтиради. У реалик асосида бўлади. «Ay(e)torg» (автор) - кенгайтириш демак. Ҳамма гап нимага келиб тақаляпти? Шоир, қашшоғ, ихтироғ мавжуд реалик асосида, олган ахборатлари асосида дунё ичра дунё яратади. Рауф Парфи, Тўхтамурод Рустам... Бошқача гап синергетикага келиб тақаляпти. Синергетика атамаси тилимизга XX майтандаги

асрнинг 70-йилларидаги кириб келди. Синергетика ўзини-ўзи бошқариш, унни ташкил килиш (Синергизм, синергия юончага ҳамкорлик, ҳамдўстлик дегани) Ориганизмга ташкил ҳодисаларнинг тавсияси асосида пайдо бўладиган ҳодиса синергияни лади. Синергетика ҳодисанинг асосчиси белъиятилк физик Илья Пригожин (1917 - 1947 йилда Пригожин назариясини кашф этди. Унинг асосини «термодинамика» иравонвеслих процессорса (мувозанатсиз жараёнлар термодинамикаси) 1977 йилда Илбель мукофотини олди. Ўзини ўзи бошқариш, ўзини ўзи ташкил килиш - у революцияга қарши. Эволюцион тараққиётни таказо этади. Синергетика - янги дунёни Ҳар бир ҳодисанинг ички хусусияти ва ташкил алоқадорлиги. Диалектик материализм эътирофдан кўра эътироға мойил. Мавжуднинг рад этмолк, бўйсундириш мумкин. Аммо у инқилоб, революция дегани эътироф - руҳий жараён бўлиб, иймон ва нафс оро кураш. Эътироф - иймон диалектикаси («Тафаккур» журналининг 1996 йил 2-сонги Иномжон Раҳимовнинг «Муроса фалсафаси» мақоласи чиқди).

XX аср охири, XXI аср боши индустря давридан информация даврига ўтишинг Информация - кибернетика. Ҳамма нарса информация олади. Мана шу олишининг битиний ҳолати, жараёни синергетикадир.

Борликнинг янгича синергетик билиш ҳар томонлама билиш усули бўлиб ҳаётнинг чин моҳиятини очиш имконини беради. Ўз-ўзини тузиш, тасдиқлашдир.

Синергетика - борликни, инсонни, моддий ва мъянавий қимматларни яхлитишга ўрганишини таказо этади.

Синергетиканинг ўзга таълимотлардан фарқи шуки, у мураккаб тизимнинг иочи зик, тартибсиз табиати (хаос)ни асос қилиб олади. Тартибсизликни англатувчи иочи зиклик - смирилиш, бузилиш ҳолатида ўз-ўзини тузиш (қайта тиклаш) йўли билан чизикилар тартибга кириш, тартибга тушириш, демакки, яралиш, бунёд этилиш тарурати. Тасодифдан чизикилар ҳолатга ўтиш мухим.

Синергетика материализмда қиймат назариясини; манбашуносликда адаб ва аср ҳол-ҳаётини; қарама қарши таъсиrlару улар бирлиги негизидан ривожланишини ўрганиш, баҳолашда талкин, тахлил қилиш гоясина кабул килади. Синергетикада куч изизи кучларни, юмшоқ каттикни енгада. Кучсиз ўзидағи ички моддий, мъянавий имкониятларни ишга солади. XXI аср адабиёти методологиясини оламни синергетик ўзлаштириш гояси белгилайди.

Постмодернизм нима? Ҳамонки кечаги ўтмишни инкор этиш мумкин эмас экан, у ҳақда кесатик, пичинг, ҳар хил ғайритабиий ҳолларда асар яратилади. Мисол га рикасида Мурод Мұхаммад Дўстнинг «Лолазор», Эркин Аъзамнинг «Отойинини түғилган йили», Несьмат Аминовнинг «Ёлғончи фаришталар», Шароф Бошбековнинг «Темир хотин» асарини олиш мумкин. Экзистенциализм инсонни ўрганиш: табиати кучи, ўз тақдиринга эга вужуд сиғатида. Сартр, Кафка, Камю.

Синергетика - тизимнинг иочи зик, тартибсиз табиати. Тартибсиз табиат (хаос) смирилиш, бузилиш ҳолатида ўзини-ўзи тузиш (қайта тиклаш)дир. Ҳақиқий шеърият синергетикага ўхшайди; тартибсиз табиат (хаос)ни гўзаллик чизиги тирилтиради Гўзаллик хаоснинг ҳаётини белгилайди. Айникса бу нарса сонетда кўринади. Сонет 14 мисра шеър: унинг интиҳосида бош гап, фикр айтилади. Мана, бир шеър-сонет «Шоир».

Шоир ҳамма вақт ҳам эркин ва ўйсиз,
Вактнинг конуналари унга ҳокиммас,
Худонинг кудрати энг баҳтила нафас
Сув, ҳаво, шоирни яратди туйкус.

Вақтга ҳам бўйсунмас илҳомдир, бешак,
У-йигирма ёшда даҳо ва кўшик,
Тўқсанга кирса ҳам навқирон ошик,
Шоир денгиз, тоғлар билан эгизак.

Лаптакда унинг ҳамрози-илох,
Хашни бермас сирли тушлар кўрса ҳам,
Мутасизлар тортиқ эт бандох.
Задонши уни севги худоси,

Сидирар қалбига инса қатра ғам,
Юқсакларга чорлар ҳайрат маъвоси.

(Дженика Максимович - XX аср серб адабиёти.)

Шоир - оддий одам эмас. У худонинг севган бандаси, юриб турган мўъжиза,

Шу шоирнинг «Ҳидлар бўрони» сонети бор. Қандай ҳидлар? Қуёш ҳиди, туман
ҳиди, кўнгар ҳиди, рухлар ҳиди...

Чирмашар, кенгаяр ҳидлар кўлами,
Ҳидларнинг мастона тантн бўрони
Табиатнинг майнин лирик тўплами.

(«Жаҳон адабиёти» 71 бет, 4 сон, 1999.)

Шу шоирнинг «Қуёш ва ўлим» деган шеъри бор.

Қуёшли ўтлоқда ям-яшил кўқат
сингари мамнунман-ӯтирибман шод.
Рупарамда бетин оқар фарофат,
туюлади тонглар отар умрбод
уммондай кучоги озод ва обод.

Томир-томиримдан сизади нурлар
Жуншади ҳаётбахш гиёҳ орзуси,
Гусса соломайди ўлим қайғуси,
Кирларнинг ортига чўккалаб офтоб,
Тубсиз коронгилик чўлғаган сари

Ўглок билан мени, хис этдик шу тоб-
бемаҳал бостириб келар жангари
ўлим ҳах, эҳтимол ўйи сарсари
Янги кун сояси яширас бизни-
Тупрокка тўлдириб кетади кўзни.

Мажкур шеъларда миллат йўқ, дин йўқ, жинс йўқ, мазҳаб йўқ, сиёсату мафкура
пўн. Уларда инсон бор, табиат бор. Ҳақиқий шеър маконга ҳам, замонга ҳам
бўлганиб қолмайди.

Мана, яна бир шеър. У Иосиф Бродский қаламига мансуб. Ким бу шоир? Иосиф
1940 иили Ленинградга туғилди. Дунёкараши шўролар мафкурасига мос келмаганлиги
туғифали 5 йил муддатга шимолга сургун килинди. 1972 йилда Ватандан чиқариб юбо-
рилини 1977 йилда АКШ фуқароси бўлди. 1987 йилда Нобель мукофотига сазовор
бўлди. Бу - Россиядан чиқкан V Нобель мукофоти совриндори эди. (Иван Бунин, Борис
Пастернак, Михаил Шолохов, Александр Солженицин ва И. Бродский). 1995
йилда юрак хасталигидан вафот этди. Мана, унинг шеъри:

Агар ночор қолсанг,
Ушбу сатрларни ўки:
 Яшаш - бу жасорат,
 Яшаш - бу жасорат,
 Яшаш - бу жасоратдир...

Агар хиёнат бошингга түшса,
Ушбу сатрларни ўки:
 Шеърият - бу мәрдлик,
 Шеърият - бу мәрдлик,
 Шеърият - бу мәрдликтір...

Агар ёлғиз қолсанғ
Ушбу сатрларни ўки:
 Мен билан оллоҳ бор,
 Мен билан оллоҳ бор,
 Мен билаң, факат оллоҳ бордир.

80-90-йиллар ўзбек поэзиясида жиддий шоирлар мұл...

Шавкат Раҳмон, Хуршид Даврон ва Усмон Азим. Тұгри, Омон Матжон, Ҳалима Худойбердиева ҳам 80-йилларда ёркін юлдуз бўлиб порладилар. Усмон Азим шоир Шавкат Раҳмон хотирасига шеърлар ёзди. Уша шеърларнинг бирида шоирлар англааб этган бир ҳақиқат акс этган. Мана, уша шеър:

- Шакат айрилик ёмон...
- Айрилик ёмон.
- Наҳот, бу дунё - ёлғон?
- Ёлғон... Ҳа, ёлғон!
- Шунчалар ёлғонмидур.
Дүсти ҳазонрез,
Бу дунёни тарқ этдинг
Ростни құмсағ - тез.
 - Шавкат айрилик ёмон...
 - Айрилик ёмон...
 - Наҳот, бу дунё-ёлғон!
 - Ёлғон!... Энг ёлғон!
 - Ёлғондан - бир умрли
Дордан кочдингми?
Ростта ҳаммадан бурун
Кучоқ очдингми?
- Наҳот айрилик - ёмон?
- Усмон, күп ёмон.
- Бу дунё....
- Ёлғон! Ёлғон!
- Энг улкан ёлғон!
- Ҳижрон жондан ўтди, қайт...
- Усмон, энди кеч...
Ёмонга чидаш мумкин,
Ёлғонга-чи? Ҳеч...

(«Жаҳон адабиети», 3 сон. 1997)

Шавкат Раҳмон ҳозирги адабий жараённинг ўтили булбулларидан бири. Шавкат ажойиб шоир эди. У фақат 47 йил умр кўрди (1950-1996 йиллар). Унинг охириги шеърларида мунг, инсоний қайғу акс этган:

Нодиражон, Шоиражон,
Танам қимир этмайди.
Олис - олис воҳалардан
Тоғларимни чакиринг,
осмон тӯла ҳаволар
Фақат менга етмайди...

У «Муножот» шеърида мана бундай ёзади. Дарвоке, Рауф Парфи ҳам «Муножот» шеърини ёзган. Муножотда фақат яратганга қарата юрак сўзлари айтилади. Муножотда ёлғон булмайди: Шавкат Раҳмон «Муножоти»дан:

Бу дунё нимадир?
Барини кўрдим.
Султону гадонинг қаҳрини кўрдим,
Раззолий сигмаган тубан оламда
Шайтондан тўралган гайирни кўрдим...

Туҳмаг муродлари қалашиб ётган,
иғволар куртлаган шўрлик диёрда
замону маконин буткүл йўқотган
бир улуг фарёднинг
боласи - зорман.
Ай, киличдай туйғу,
Ой, котил туйғу,
бас, ортиқ қийнама кимсасиз даштда,
Юзимга юзини қўйсин ўшал гул,
дилимнинг Қаърини чаваклаб ташла!

(Шавкат Раҳмон, Сайланма. «Шарқ» НМК-97)

Рауф Парфи Ўзтурк «Муножот» шеърида ёзади:

Мозийга урилиб синар овозим,
Умр ўтиб борар бенаф, бенаво,
Наҳотки бу - қўлим? Бу - менинг созим?
Аллоҳдан сўрайман - Нечун бу жафо?
Жами жудоликлар жонимга етди,
Ол, дейман, аллоҳим, омонатингни.
«Тавба қил,- деди Ул бир Китоб тутди,-
Муродинг мустажо, минтил отингни.
Уммонлар йўлингда, чантал йўлингда,
Номаълум ҳар жойда курилган доринг.
Оламнинг қалити сенинг қўлингда,
Жафо ҳабибингдир, хиснат ёринг»,
Аллоҳим, лаҳза-мен, сен эса маниу.
Таскин берганингми, шафқатингми бу?!

(«Жаҳон адабиёти» 1 сон, 1998, 136-бет)

Мана шу шеърда дунё формуласи берилган. Инсон яшайди, қийналади, изланади. Нихоят, ҳақиқий хуосага келади - ол омонатинги: Яна бир ҳақиқат шуки, мен, башар фарзанди - лаҳза, Аллоҳ - мангү!

Рауф Парфи ижодида Чулпон, Усмон Носир, Абдулла Қодирийга мухаммас бор. Мана шу мухаммасларда у буюк санъаткорлар борлигини акс эттиради:

Юзлашдинг балоларга аламлар ичра кўзлашдинг,
Ўзинг кўйдинг, ўзинг ёндинг, ўзгалар ҳаққи ўзлашдинг,
Бу кул бозоринда изғиб кумрилар каби бўзлашдинг,
Кўнгил, сен бунчалар нега кишанлар бирла дўстлашдинг,
На фарёдинг, на додинг бор, нечун сен бунча сустлашдинг

Мана, Усмон Носирга мухаммасидан:

Қачон келдим, қаён келдим, йўлимга темур тўр тутдинг,
Юрак сенми, фалак сенми, зоримга бунча зўр этдинг.
Сокор девор уза сэдим, кўлнимни қонли жўр этдинг,
Юрак сенсан, менинг созим, тилимни найга жўр этдинг,
Юрак сенсан, ишқбозим, кўзимга ойни беркитдинг.

«Абдулла Қодирий ғазалига мухаммас»да ўқиймиз:

Ақработар кўт очик, дунен дун фопий билинг,
Эт учун, аллоҳ учун, жонни тилинг, тани тилинг,
Келинти, ут кун ути, куллик, асирилники силинг,
Келинти ёнтар, шешиншар бу кун гайрат қилинг,
Умматончарни язар Кошир эсак ўйнатамиш.

(«Жаҳон адабиети», 1-сон. 1998, 135-136-бетлар)

Мақур мухаммаслар адабиётимизда янгилик. Эътибор беринг, Рауф Парфи Чулпон, Усмон Носир ғазалигамас, умуман улар шеърига мухаммас боғлади. Иккинчидан, мухаммас боғлаш - анъана. Лекин камдан-кам ҳолатда мухаммас боғловчи асл шоирдан устун булади. Рауф Парфи мухаммаслари юксак, устун. Яна шуки, мазкур мухаммасларда Чулпон, Усмон Носир, Қодирий ҳол-ҳаёти аниқ ифодаланган. Усмон Носир «темур тўр» ичра қийналгани, «қулини қонли бур»га айлантиргани ёлғонми? А. Қодирий романларининг магиз-магизидан «Эл учун, аллоҳ учун, жонни тилинг, тани тилинг, куллик, асирилники силинг», -деган маъно келиб чиқмайдими?

Рауф Парфи «Фитрат», «Чўлпон» шеърларида ҳам новаторлик қилган. Мазкур санъаткорлар руҳини шеъриятда жонлантирган, гавдалантирган.

Ҳақиқий поэзия-ҳаётнинг туб-тубига бока билинди. Шоир қанча истеъодли бўлса, унинг кўзи ҳаёт илдизини шунча аниқ кўради, моҳиятини бехато англаб етади:

Ҳаётнинг саслари гўшимда кўп фарёд шаклинда,
Бу инсонлар ки қардошлар ва лекин ёт шаклинда.
Бу тупрок қонли авлоқдир, башибар сайёд шаклинда.
Адоват доимо бордир, муҳаббат от шаклинда,
Бу дунё эскиданdir саҳнаи бедод шаклинда.

Жаҳон бошдан оёқ майдони мотамзод шаклинда,
Фараҳлар хибс бўлмиш хузнлар обод шаклинда,
Мусибатлар, балолар, гуссалар обод шаклинда,
Юраклар ғам ўти-ла замон барбод шаклинда,

Бокишлар күлкали, юзлар бутун ношод шаклинда,
У мотамгоҳни ким күрмиш сурубод шаклинда

(Мұхаммад Ходий. Ҳаёт садолари. «Жаҳон адабиёти», 3 сон. 97)

Мұхаммад Ходий XIX асрнинг сүнгі, XX асрнинг I чорагида яшади (1879-1920), кирк йил умр күрди. У фалсафий шеърлар, фалсафий маколалар ёзди. У ҳаёт отлик неғмат мөхитини тұла аңғаб етди. Шеърият тинимсиз ҳаёт, борлық, инсонни тас-виirlайди, «инсон умрининг құммати не?» деган жумбокқа нафосатга йүргилган жавоб излайды. XX аср үзбек шеъриятыда ҳам бу мазуга узлуксиз мурожаат қилинди. Ҳукмнингизге түрлі ёшдати түртта шоир шеърларидан намуна ҳавола киласман. Толиб Йұлдош ҳозир 82 ёшда (1918 йилда Тошкентде туғилған). Умр бүйі шоирлікка са-доқатли бүлди. Амалға, бойлікка ружу киласмади. Кам ёзди. Саводи ҳам унча етүк әмас. Аммо шеърларыда манту мавзулар XX аср ҳаётига йүргилған холда акс этади. Биз кексаликін көрді, роҳат-фарғат фасли деб атаймиз, матбуотда ёзамиз. Толиб Йұлдош кексаликін худди Рудакий сингары тасвиirlайди. Рудакий кексалик изабларини ёзған эди. Мана, Толиб Йұлдошнинг түртлікларидан намуналар:

Йул устида якка қолдым кексаликда,
Гул ўшлігім ташлаб кетди, вой, на чора?
Тун күйінда құнғидан тушиб кетған
Ожиз күшдай кайға борай, мен бечора!?

Карилік етишгач, руҳинг түшгапу
Хәелден бушамай қолар экансан.
Ұзинг үзингсан-у, баъзы баъзіда
Ұзингта үхшамай қолар экансан.

Қадрингни үлчашға тароз үзингсан,
Бүйларшарға бүйі дароз үзингсан.
Құлингдан туширма лангар чүпингни,
Жаҳон бозорида дарбоз үзингсан

Сени билмак бүлған сұзингта бокар,
Сузингдан топмас күзингта бокар,
Үзингдан үзингни сұрамас зинхор
Бұзчисан, тұқиган бўзингта бокар.

(«Шарқ юлдзу», 1998. 2 сон, 66 бет)

Шоира Гулчехра Нур (Нуриллаева) 62 ёшга кирайпти (1938 й.). Уннинг шеърида мангуплик ва инсон умрининг ўткинчи дамлары киёсланади:

Сенгина ҳормайсан, күёшим, хушлан,
Қолган умрим каби ҳилол бир тишлилам...
Уфқда күрінімас оловлар ракси,
Икки яғоғимнинг үчгандай нақши...
Юлдузлар мілтиллар митти ва беҳол,
Чақнок құзларымдан кетгандай мажол,
Булат яхлит әмас, минг кийім нұсха,
Ёзған шеърим мисол бүй-басты қыска...
Сенгина ҳормайсан, күёшим, хушлан,
Қолган умрим каби ҳилол бир тишлилам...

(«Шарқ юлдзу», 1999, 4 сон, 7 бет)

Ёш ўзбек шоирлари ҳам ҳаёт нима, умрнинг мазмуни не, борликда инсоннинг ўрни қандай, юрак дегани нимадир деган мангу саволларга жавоб беришга интилмокдалар. Абдувоҳид Ҳайитнинг «Дил» шеъри кўп масалалар ҳақида уйлашига ундишлиди:

Мана дил сизга:

Құхна коинотнинг хорғин боласи,
Куёшдан сачраган бир журъа оташ,
Бир томири Зухро зулфин толаси,
Бири ҷашмингизу борликка туташ

Мана дил сизга:

Кеч колиб йўлидан адашган гўдак,
Зор йиглаб ўтмоқда манзилингиздан,
Уни тез киригинг чодирингизга,
Нур беринг гулюздан - тиласа емак.

Мана дил сизга:

Сузласа, сўзлари ҳазинидир унинг,
Ҳастадир, дардига давоси йўқдир.
У азизи мемони вужуд уйиннинг,
Күшчадир, угали маъвоси йўқдир.

Мана дил сизга:

Даирон ишваридан хотири забун,
Бу дунё ишмидан саводи йўқдур.
Ин бир мол тилаги дунёда, унинг
Енишдан улта бир муроди йўқдир.

Мана дил.

Мана дил,

Мана дил сизга:

Муганийидир, күшик, куйдир дафъатан,
Бир йўлчи - келгувчи кечиш қаъридан.
Ўтли бир оҳанглар чекиб дам - бадам,
Жон эмар аҳли ишқ сатрларидан.

Муганийидир.

Күшик,

Куйдир

Дафъатан!

Мана дил сизга!

(«Шарқ юлдузи» 1999 йил, 1 сон, 127-бет)

Мазкур шеърда, айниқса унинг охирларида ўй-фикрдан кўра шеърий санъат, сўз имкониятларидан фойдаланишга интилиш кучли. Шоир - сўз сеҳргари. У сўз оҳангини, маъноларини, рангларини нозик илгайди, ҳис қиласди.

Шоир Барно Эшпўлат - ёш шоир. У Шарқ поэзиясини яхши билади. Унинг шеърларида фикрнинг салмокли ҳаракати бор. Шоир коинот ашёлари - юлдузлар, бе-поён осмон, сахро, денгизсимон кумлар... Шоир мана шу ажабтовур дунёаро узининг шоирона фикрларини олиб ўтади. Мана, унинг «Бағримдан сирғалган нозик хаёл гул» шеъридан бир кисмни ҳукмингизга ҳавола киласман:

Хушбуй соғинич йирокларга чорлаган тонгда,
бағримда улгайган ният рангларин топдим.
Күешнинг тафтини туйдим қутлуғ армонда,
ёғдулар изидан бордим. Умидвор чопдим.

Саҳрони тарқ этган баҳор. Жизғанак олис.
Үзингдан үзингча чүчіб кетасан ногох.
Күмга сингиб кетген кечмиш. Ажабтувур ҳис.
Изларининг ўзликдан этар барибир огох.

Мана шу тұртлікда аник тасвир, киёс, тимсол, шоирона саңыат бор. Мазкур тұрт мисра табиат ҳодисаси, инсон умрінінг босқичи, яна алданималар ҳақида хабар беради. «Ажабтувур ҳис»... Барнонинг күйидаги мисралари ҳам сермаңы:

Денгизсіймо күнлар жұшар долгама - долга,
Күшларнинг каноти юқсан юлдузлар мисол.
Гүё бұнда нималардир сен учун қолған,
Гүё йитиб кетгай агар бунда келмасаң.

Муаззам хотира мисол ястанған көнгілек
Күм, күм, күм... Тенгранның тұлғар қысметлар тархи,
Замін юрагіда илдіз отған шувокдең,
Шұшқандыр дамларинг ушоқ айланған Тарих.

Бу осмондан күшлар кечди жануб, шимолга,
көнгілігіда юлдузларнинг тақдіри бітді.
Күшлар эса хотирадек абадий қолған,
Үзгапар-чи келди, кетди, келмакта кетди.
Ултирибман бир үзгінам - актім ҳайратди,
Німа үзи кеммагімнінг мәтінсіз аспі?
Йұллар ва бармоклар аро ажаб шиддатда
Түкілар баҳор, ёз, куз, киши - тақдиркүм фасли.

(«Шарқ юлдузи», 1998 йил, 3 сон)

Хозирги узбек поэзиясида Эркин Вохидов, Абдулла Оріпов, Халима Худойбердиева, Омон Матジョン, Миразис Аъззам, Ўқтам Аъззам сингари шоирлар ижад этмоқдалар. Хар бир шоир шеърият мазмунини бойитишга, сөхрени оиширишга имконияти қадар хизмат күлмокда.

Шеърият - нафосат, гузаллук. Шеърият - шоир калбининг күзгуси. Шеърият-хаётто мөхияттін тиник күрмөк, шоирона идрок этмоқ, аник-тиник ифодаламок. Ҳаётта канча теран назар ташланса, умр-лаҳза, инсон-сайд, Аллох-мангу, муносабатлар-әлғон эканлиғи мәтүл бўлди. Шунга қарамай, поэзия хаёт гузаллигини, яшамок баҳтини акс эттиришни олий мақсад деб билади. Шеърият-мангу ташналиқ. Ҳаётга, ҳақиқатга, эзгуликка, севига, ёруғликка ташналиқ! Шеърият-яшаш учун курашнинг узига хос кўриниш. Шеърият-шоир қалби мураккабликлари, зициятлари, иштилишлари, интикликлари ифодаси. Шеърият-шоирлар аро манту ижодий баҳс майдони. Хозирги адабий жараёнда ёхуд энг янги узбек адабиётіда бу жанг, баҳс кўзга аник ташланмоқда. Синергетика ҳақидаги мулҳозаларнинг поэзияга туташиб кетиши тасодифий эмас. Синергетика фандаги поэзиядир. Шеърият азалдан гузаллук дүнёсидаги синергетика сифатида диккатни жалб этган.

ЭҢГ ЯНГИ УЗБЕК ПРОЗАСИННИГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Адабиётшуносликнинг мумтоз термини билан атаганда эпик поэзия узок тарих, анъяналарига эта. Үтмишда лирик поэзия катори эпик поэзия ҳам тарапкій этган. Эпик поэзия ёхуд наср намуналарини адабиёт тарихининг узок үтмишида ҳам учратиши мумкин. Хозир мумтоз адабиётдаги наср намуналари ўрганилмоқда. «Миллий тикланиши» газетаси 1999 йил 5 октябрдан (36-сон) 23 ноябрача (43-сон) «Ўтамиш хожи тарихи» асарини босди. Бу асар XVI асрда яратылған булиб, муаллифи Ўтамиш Хожидир. Ўтамиш Хожи XVI аср үрталарыда Хоразмда хукмронлик килған Элбарс-хон ва Эш Султонлар хизматида бўлған. Бу асарнинг биографияси кизиз. Асарни шарқшунос В. П. Юдин нашрға тайёрлаган. «Ўтамиш Хожи тарихи» Юдин вафотидан сунг 1991 йилда Алмати шаҳрида чоп этилған. «Ўтамиш Хожи тарихи», ўйлаб курилса, «Бобурнома»га асрдош. Иккى жиiddий асар бир асрда яратылған. «Ўтамиш

Хожи тарихи» бадийилкка ёт бўлмаган тарихий асардир. Мазкур асар хозирги адабий жараёнида ўрганилиши керак. Унинг матнини шарқшунос Фулом Карим тайёрланган.

Мумтоз адабиётнинг янги топилган, энди нашр этилган ҳар бир асари адабий жарайённинг кўркидир. 1997-1999 йилларда «Жаҳон адабиёти» журналида Артур Хейлининг «Оқшом хабарлари», Журжи Зайдоннинг «Харун ал-Рашидининг синглиси», Яшпалнинг «Рақкоса» романларини, Хуан Рульфонинг «Педро Парамо», Евгений Замятиннинг «Тангри камчиси» киссаларини, Ремаркенинг «Уч оғайнин» романини, Эфраим Севеланинг «Тұхтатынг самалётни, тушиб қоламан» киссанини, Сидни Шелдоннинг (Америка ёзувчиси, 1917) «Оризикиб кутаман ертани», Ивонна Келснинг (Нидерланд адабаси) «Инжик Давиднинг онаси» романларини, Франсуаза Саганнинг «Кўлмак сувда қуёш парчаси» (Саган - француз адабаси, 1935 йил) киссанини чоп этди. «Жаҳон адабиёти»-жаҳон адабиётiga очилган ёргу дарча. Мазкур таржима асарлар хозирги ўзбек адабий жараёнинг таркиби кисми. Таржима асарлар, мумтоз адабиёт намуналари китобхон қарашларини кенгайтиради, дилини нозиклаштиради, одамлар ҳақидаги қарашларини бойитади.

XX аср ўзбек насирида минглаб ҳикоялар, икки юздан зиёд роман, стти юздан ортик кисса яратилди. Эпик поэзия ёхуд наср ичра янги жанрлар пайдо була бошлади. Шеърията фард, руబий, туюк, сингари ихчам жанрлар мавжуд эди. Насрда-чи? Қадимги юон адабиётида, мумтоз адабиётда ихчам, лўнда проза намунаси бўлиб, у ҳар хил ном билан аталаради. Уни тафakkур учкунлари, кўнтилга кўнган туйгулар дейиш жоиз бўлар. Рус ёзувчиси Михаил Пришаниннинг «Незабудки», Владимир Соловухиннинг «Камни на ладошах», Юрий Бондаревнинг «Мгновения» асарлари бор. Аскад Муҳтор «Ўйку қочгандা ёхуд Тундаликлар», Ўткир Ҳошимов «Дафтар ҳошиясидағи битиклар» асарларини яратдилар. Суз, фикр, туйғу бир онда туташади, кучли руҳий ҳолат рўй беради. «Ҳақиқат - худодир: уни ҳамма биладир; ўзини хеч ким кўрмаган», «Шоир бўлиш яхши, шоирлик даъво қилиш ёмон», «Сонет-шебъриятынг олифта камзули», «Хотин кишини кимматбаҳо мўйналарга урасанг-совимайди». Мазкур асарларда туйғу бор, аммо ҳақиқатга даъвогар эмас. Мақол, маталлар асосида ҳаёт ётади. Биз келтирган асарлари туйғу, оний фикр етакчилик килади.

Хозирги адабий жараён шуни курсатмоқдаги, ҳикояларда шаклан ихчамликдан кўра воқеани кенг тасвирлаш сезлимокда. Шукур Холмираевнинг «Дарвеш», «Танҳолик» ёхуд «Ватанга сигмаган даҳо» ҳикояларида мухаммал характер яратилган. Сунгти йиллар ҳикоячилигда воқеликка асосланган асарлар сероб. Шукур Холмираев «Булат тусган ой», «Ўзимизнинг Одил ак» сингари ҳикояларини яратди. Сайд Аҳмаднинг «Йукотганларим ва топганларим» тўпламига ёзувчилар ҳақидаги воқеий ҳикоялари жамланган. Сайд Аҳмаднинг «Қора куз - мажнун» ҳикояси ниҳоятда машҳур бўлди. Ҳикояда ўслидан тирик жудо бўлган она образи тасвирланади.

Ҳикоячилика Нормурод Норқобилов, Шойим Бўтаев, Эркин Усмонов сингарилар унумли ижод қилмоқдалар.

Хозирги адабий жараёни киссалариз тасаввур этиб бўлмайди. Куплаб киссалар яратилипти: севги киссалари, ҳол-ҳаёт киссалари, саргузашт-такаййул киссалари, детектив киссалар. Афуски, детектив киссалар микдоран етакчилик кила бошлади. Тоҳир Маликнинг «Шайтанат», «Мурдалар гапримайдилар», «Одам ови» киссаларида детектив XX асрнинг муҳим сиёсий-ижтимоий муаммолари силсиласида, муҳими, инсон тақдирни орқали акс этирилади. Айтиш мумкинки, Тоҳир Малик киссанин укишил қилиш максадида детектив шаклини танлайди. Аслида, унинг киссаларида тақдирлар, характерлар диккатни жалб килади. Шойим Бўтаев, Нормурод Норқобилов киссаларида кишлоқ кишилари руҳиятида рўй бераётган узгаришлар акс этирилади. Бу ерда Шойим Бўтаевнинг «Шуродан колган одамлар» («Шарқ Ўлдуз», 1998, 5-6-сонлар), Нормурод Норқобиловнинг «Увләётган ит» киссаларини мисол қилиб келтириш мумкин. Сунгти ишларда ҳол-ҳаёт киссалари кўпаймоқда Усмон Носир ҳақида Наим Каримов асари яратилди. Зарифа Сайдносировнинг «Ойбегим менинг», Ислом Шоғуловнинг «Бунчи умр дерлар...» асарлари яратилди. Бундай асарларда бадийилк камайиб, тарихий факт-далиллар кўпайиб бормоклади.

Исфандиёр, Абдукаюм Йўлдошев, Файзулла Қиличев, Мухаммаджон Соипов, Алишер Ибодинов, Гайрат Раҳматуллаев сингарилар детектив жанрди кўплаб кисса яратмоқдалар. Мазкур ёзувчиларнинг асарлари жаҳон детектив асарларидан анча жুн, оддийдир.

Миллий насрининг ўзак масалалри пайдо бўлаётган тамойиллари роман жанрида кўзга ташланади. XX аср ўзбек романчилиги дейшилганда Абдулла Кодирий, Чўлпон романлари дарҳол кўз ўнгимизда намоён бўлади. «Ўтган кунлар», «Кеча ва кундуз» романлари, тимсолий айтганда, баҳор кўёшидай бир чаракладио калин, кора булут билан тўсици. Лекин икки буюк санъаткор романлари қалбларга мухрланган, узбек романчилиги услубини белгилаб ултурган эди. Ойбекнинг «Кутлуг кон» ва «Навоий», Абдулла Каҳхорнинг «Сароб», М. Исимийнинг «Фаргона тонг отгунча» Сайд Ахмад романларида, Одил Ёкубов, Пиримкул Кодиров, Улмас Умарбеков, Уткир Хошимов, Шукур Холмираев, Асқад Муҳтор, Суннатила Анорбоев романларида А. Кодирий, Чўлпон услуги у ёхум бу даражада акс эта бошлади. О. Ёкубов, масалан, А. Кодирий романларида услугу содае эканлигини хис этди, ундан узоқлашмоқчи бўлди. Лекин А. Кодирий услубидаги соддалик заминида миллий ўзига хослик санъаткорона акс эттирилган эдикни, кейинги авлод ёзувчилари мана шу жиҳатдан А. Кодирий даражасига кўтарила олмадилар. Ниҳоят, 80-йилларга келиб ўзбек прозасида янги услугу куч кўрсата бошлади. Бу услуг Мурод Муҳаммад Даўт, Тогай Мурод, Эркин Аъзам асарларида сезила бошлади. Бу авлод ҳаётга янгича тафаккур бўлсан ёндошли. Янги тафаккур-янги услубдир. Мурод Муҳаммад Даўстлар авлоди насирида лиризмни изчил реализм, романтик - сентименталликни қатъият этгалиди. Муҳими, янги авлод ровий тимсолини асарига олиб кирди. Ровий-ўкувчини ром этувчи, унга якин турувчи, айни вактда, ёзувчи гоясини ўзига хос кўринишда шакллантирувчи куч. Энг янги романчилик мөхиятини ровий муаммосини четлаб ўтиб зинхор ҳал этиб бўлмайди.

Энг янги романларида кечаги романчиликка зид ҳолатлар кўзга ташланмоқда. «Уфқ» трилогиясида кочок Турсунбой салбий, Иккинчи жаҳон уруши майдонларидаги қаҳрамонлик кўрсатган Азизхон комил инсон килиб кўрсатилган эди. Уткир Хошимовнинг «Икки эшик ораси» романда жангчи Шомурод ижобий, Хусан думанинг жандаги ҳалок бўлган ўғли комил инсон сифатида тасвирланган бўлса-да, жантага бормай, таниш-билишликни ишга солиб раис бўлиб олган Умар закуничи салбий килиб кўрсатилиди. Уткир Хошимов «Тушда кечган умрлар» романидаги афрон уруши қатнашчиси Рустамни ижобий, жабрдийда сифатида кўрсатади. Ваҳоланки, афрон урушига боришининг ўзи ожизлик эди. Уткир Хошимов шуда романидаги ҳалқка зулм утказиб келган Комиссарни салбий қаҳрамон килиб тасвирлайди. Демак, ёзувчи шуро ҳукуматининг таҳинчи бўлган Коимиссарни, колхоз раисини салбий килиб тасвирлашга журъат эта олди. Истиклол даври романчилигига мураккаб ҳолатлар рўй бермокда. Мурод Мансурнинг «Жудолик диёри» романидаги, Мирмажид Зокировнинг «Муздан чиқсан чакмок» кисссасида шуро сиёсатига зид борган, аникрофи, унинг пайини кирикшага киришган кишилар ижобий қаҳрамон сифатига талкин килинади.

Янги ўзбек романчилигининг янги бир хусусияти шундаки, ҳалқ яхлит бир куч сифатида тасвирланмоқда. Омон Муҳторнинг шуда романларида ҳалқ яхлит куч сифатида берилиб, ҳалқка тааллукли муммомлар кўрсатилиди. Романларда ҳалқка умум-жаҳон кўзи, нуқтаи назаридан қарашиб тенденцияни кучаймокда. Асад Дилемуроднинг «Махмуд Торобий» романидаги ҳалқ мўғул истилочиларига карши яхлит куч сифатида кўринади. Хайридин Султоннинг «Бобурйнома» романидаги жаҳонни бўйлаётган ўзбек тимсоли акс эттирилди. Роман ҳозирги пайтда мухим тажриба майдонига айланмоқда.

Романларда ҳалқ тақдири қаҳрамон тақдири йўсунидаги акс этмоқда. Ҳалқ ўз қаҳрамонини гаройиб тарзда намоён этмоқда. «Махмуд Торобий» романидаги шайх Иброҳим, донишманд Шаҳобидин Маҳбубий, ҳатто Махмуд Яловоч ҳалқнинг етакчиси Махмуд Торобий эканлигини тан оладилар, унга эргашишга, уни қуллашга ҳаракат киласдилар.

«Жудолик диёри»да Султонмурод уруғ-аймокнинг, ҳалқнинг етакчиси эканлигини тан олиш анча мураккаб кечади. Ёши улувлар, келишувчи-қаноатли кишилар Султонмурод жасоратини, ҳукумати қарши туришини кабул қила олмайдилар. Ёзувчи теран мантиқ билан Султонмурод ҳатти-ҳаракатини тасдиклайди. «Бобурйнома» романидаги ҳалқ Бобурга нисбатан муҳаббатда, самимиятда бирлашади. Ўзбек ҳалқининг маърифатли кишилари Бобур юрган йўллар бўйлаб саёҳатга чиқадилар. Бобурни «ўз отаси, онасиадай яхши кўриб колганди» асар муаллифи «Бобурйнома»нинг асосий қаҳрамони. Романда Хайридин Султоновнинг «Бобур ҳиждиги асарлари жамлангани», Муалифининг Бобурга, унинг ижодига бўлган мөрхадодати уз аксини топган. «Бобурйнома» ўзига хос курилмали асар. Романин мидерн асарлар сирасига киритиб бўлмайди. Айни вактда у анъанавий асар ҳам эмас. Романининг бош қаҳрамони XX асрдаги маърифат-

ли, ишёли кишиларни хурмат билан эслайди. Бобур ҳакида бирон илмий иш, бадий аср яратган кишилар номларини хурмат билан тилга олади. «Бобурийнома» XX аср дунёсини очиқ кўз, маърифатли гоя билан куздан кечирётган узбеклар ҳакидаги асарлари. Асарни ўқиб фалати-ғалати ҳолатларга тушади, киши. Дунёда фидоний, иймонли одамлар кўп экан. Улар XX асрнинг туфонли зиддиятларини сенгиб келмоқдалар. XX аср, сўзиз, илмий-техникаси билан одамларга таъсир этган. Асадарда куролдан, турли русумли машиналардан моҳирлик билан фойдалана биладиган кишилар тимсоли яратилган. Ҳаёт синоатларида чиникиб, қашшоқлик, беватаникка кўнник кетган иродали кишилар қаршисида Узбекистондан сафарга чиккан кишилар тажрибасиз, укувсиз одамлардай туюладилар. «Бобурийнома»нинг магиз-магизидан яшаш накадар мураккаб, курашларда чиниқсан одамгина турмуш қийинчиликларга тоб берса олади деган гоз келиб чиқади.

Хуллас, бугунги ўзбек романчилиги майдонида тинимсиз тажрибалар, изланишлар давом этаги. Бир томонда модерн йўналишидаги асарлар («Капалаклар йўни», «Фано даштидаги қуш», «Мавхумот»), бир томонда «Бобурийнома» сингари романни илдиздан янгилаётган асарлар, яна бир йўналишида «Майдон», «Афлотун», «Тепаликдаги ҳароба» сингари асарлар. Роман тушунчаси ҳам янгиланяпти. Романчиликда ранг-баранглик пайдо бўлмоқда.¶

Адабиётлар

1. С.Мирвалиев, Ўзбек романни. «Фан»-1969.
2. А.Аброров. Ўзбек повести. «Фан»-1973
3. Н.Каттабеков. Тарихий ҳакиқат ва бадий маҳорат. «Фан»-1982.
4. У.Норматов. Қодирий боғи. «Ёзувчи»-1994.

ЭНГ ЯНГИ ЎЗБЕК ДРАМАТУРГИЯСИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Драма тури - ўзбек адабиётининг ёш йўналиши. Расман драма асари 1911 йилда яратилди. Бу соҳа рус, озарбайжон, татар драматургияси таъсирида вужудга келди. Тўғри, драматургиянинг илк кўринишлари кўйирчиқобозликда кўринган. Абдулла Қодирий «Мехробдан чайён» романнада кўйирчоқюзлар, масҳараబозлар образини яратган. Масҳараబозлик, кўйирчоқ ўйнатиш мислий драматургиянинг мустахкам илдизидир. 1911-1917 йиллардаги драма асарларида маърифат, таълим-тарбия масалалари олга сурилган булиб, панд-насиҳат-дидактика ҳолатида намоён бўлган. Драмага хос белgilар-саҳна, маҳсус кийим-бош, ясама соқол-мўйлов, ясама соchlар тамошабин диккатини жалб этган.

20-йилларда ўзбек драматургиясининг шоҳ асарлари - «Абул-файзхон» (1924), «Паранжи сирларидан бир лавҳа», «Майсарапнинг иши», «Ёркинй»лар яратилди. Мазкур 4 асарда драматургик турнинг трагедия, комедия, драма жанрлари кўзга аник ташланади.

30-йилларда ўзбек драматургияси жаҳон драматургиясини ўзлаштириди. В.Шекспирнинг «Отелло», «Хамлет», Лопе де Веганинг «Ракс муаллими», Мольернинг «Хасис», «Тартюф», Н.Островскийнинг «Момакандирок», «Кўйинидан тўкилса-кўнжига», А. Чеховнинг «Вания тога», «Олчазор» асарлари ўзбек тилига таржима килинди. Шекспир асарлари ҳам драматургларга, ҳам актёрларга катта ижод мактаби бўлди. II жаҳон уруший йилларидаги Уйғун ва Иззат Султоннинг «Алишер Навоий», Максуд Шайхзоданинг «Жалолиддин Мангуберди», Ҳамид Олимжоннинг «Муқанна» асарлари яратилди. Ҳар уччала асарда ҳалқ тархининг ҳаҳрамонона саҳифаси намоён этилади. Алишер Навоий ҳакидаги драма Ибн Сино, Беруний, Зебинисо, Амир Темур ҳақида асарлар яратилишига турткى бўлди. Максуд Шайхзода «Мирзо Улуғбек» тарихий фожеасини яратди.

60-70-йилларда драматургия соҳасида Уйғун, Комил Яшин, Назир Сафаров, Аскад Мухтор, Сарвар Азимов, Үлмас Умарбеков сингари драматурглар фаоллик кўрсатдилар.

80-90-йиллар драматургиясида Абдуқаҳҳор Иброҳимов, Максим Каримов, Ҳайитмат Расул, Шароф Бошбеков сингари драматурглар етакчилик килдилар. 90-йилларда, хусусан, 1996-99 йилларда Эркин Хушвактов, Санжарали Имомов сингари ёш драматурглар пайдо бўлдилар.

Драма асарининг ҳаракат белгилайди. Асар қаҳрамонини саҳнага руҳий ҳаракат, ички түғён олиб чиқади. Драма асарида ҳар бир персонаж ўзининг руҳий маънавий ҳаракатини намоён этади. Абдулла Орипов, Одил Ёқубов сингари драматурглар Амир Темур образини яратдилар. Абдулла Ориповнинг «Соҳибқирон» асарида Амир Темур ҳәстиининг кўп кирралари камраб олинган. «Аброр Хидоятов» театрида «Темур ва Баязди» асари ўйналди.

Абдукаххор Иброҳимов янги ўзбек драматургиясининг намоёндаларидан бири. Унинг «Биринчи буса», «Appa», «Пуч», «Зўлдир» сингари асарлари театрларда ўйналди. А. Иброҳимов инсонлардаги тўрाचилик, товламачилик сингари хусусиятларни кўрсатиб берди. Унинг асарларида 80-йиллар кишиларида кўринган салбий хусусиятлар кўрсатиб берилди.

Янги ўзбек драматургиясининг ёрқин намоёндаларидан бири Шароф Бошбековдир. Унинг «Гақдир эшиги», «Темир хотин», «Эски шахар Гаврошлири» «Эшик коккан ким?» сингари асарлари саҳнага кўйиди. Шароф Бошбеков асарлари театр саҳнасида, телевизор экранида, кинода намоён бўла бошлади. Ҳозирги драматургия техника воситаларида видеофильм, бадиий фильм бўлиб тамошабинга етказилмоқда. Ш. Бошбековнинг «Темир хотин» асари саҳнада, экранда кўрсатилди. Шу муаллифнинг «Чархпалак» кўп кисмни асари куличчилик диккатини жалб этди.

Сўнтий йилларда наср, назмнинг энг ёрқин намуналари саҳнага, телевизорда кучмокда. Абдулла Кодирий романлари саҳнада ўйналди, киноасар бўлиб тамошабинларни жалб киради. Биронта жиддий асар йўкки, у видеофильм килинмаган бўлсин. Масалан, «Улубек хазинаси», «Диёнат» (О. Ёқубов), «Юлдузли тунлар» (П. Кодиров), «Сунти ўқ», «Шайтанат» (Т. Малиқ), «Баҳор кайтмайди», «Дунёнинг ишлари» (Ў. Ҳошимов), «Жаннатга йўл», «Ранжом» (А. Орипов), «Истамбул фожеаси», «Олтий девор» (Э. Вохидов), «Гирдоб» (Ў. Усмон). «Ичкуёв» (Турған Пулат) ва бошқалар.

Алишер Навоининг «Садди Искандарий» достони асосида «Искандар» (Ш. Ризаев) асари яратилиди.

Сўнтий йилларда Аҳмад Фарғоний ҳақида «Пирин коинот» (Х. Расул), «Даҳонинг ёшлиги» (Й. Сулаймон), Чулпон ҳақида Тулан Низом, Усмон Азимов асарлари яраттилди. Ҳозирги драматурглар киносценарийи сўнши ёзигибор қаратмокдлар. Ўзбек драматурглари кўпсерният видеофильмиш сценарийини яратиш йўлида ҳаркат килмоқдлар. «Кўнгил кучалари», «Домли», «Чархпалак» видеофильмишлари яратилиди.

Драманинг кўринини сифатида кўхжети фильмлар пайдо бўлмоқда. Абдулла Кодирий, Чуллон, Фитрат ҳақида филимлар яратилиши.

1. Мустақиллик йилларида йирик тарихий шахс сўйимоли (Амир Темур, Аҳмад Фарғоний, Исмоли Бухорий, Машраб, Чуллон) ҳақида драматик синнии Бу асарлар асосан, машҳур сўйимоларнинг юбилейлари муносабати билан яратилиши. Йўнга айтганда, давр тақаозисига кура тарихий шахслар ҳақидати асарлар пардо бўлди. Ўчунчи ички, табиий эҳтиёж асосида асар яратса, унинг таъсири кучи юкори бўшиди.

2. Мустақиллик йилларида жаҳон драматургиясинин жиддии асарлари тарғима килиниб саҳнага кўйилмоқда. Айнинка, «Аброр Хидоятов» театри унга хос драматикни саҳнага кўймоқда. Шу театр «Отелло», «Кирол Лир» асарларинин минича талқинини ҳавола килди.

3. Истиқлол даврида миллий урф-одатлари ҳақида асарлар ёзиш тамойини кучайди. Эркин Хушвақтovнинг «Чимилди», Б. Мухаммадхужаевнинг «Чечча» асарлари яратилиди. Бундан кейин шу ўйналишда асарларнинг яратилиши кутилмоқда.

4. Комедия жанридаги асарларда ижтимоий юки анча енгил асарлар пайдо бўлмоқда. Санжарали Йомомовнинг «Соибхўжа операцияси», «Фаришталар ва шайтонлар», «Суперқайнона», «Эргинамининг орзузи» асарлари икки йил орасида ёзилди, саҳнага кўйилди. Бу асарларда енгилгина тоя, юзакигина кулгу, тасодифий пайдо бўлган ҳолатлар акс этган.

5. Драматургия ҳозирги пайтда шеърият ва насрдан анча ортда қолган. Ҳаёт янги муаммоларни ўртага кўймоқда, ишонч билан айтиш мумкинки, учинчи минг йилликнинг бошпаридан ўзбек драматуриясида янги ёрқин ҳаракетларлар пайдо бўлади. Ўзбек азиблари жиддий драма асарларини яратадилар.

6. Соцреализм методининг инкирози андозадаги асарларнинг яратилишига чек кўйди. Драматургияда соф мусбат, соф манфий кучлар курашибга асосланган асослар кўп эди. Энди ўзбек драматурглари руҳий зиддиятларга асосланган асарлар яратадилар дея умид киламиз. Мураккаб, руҳий зиддиятли қаҳрамонлар драматургия асарларининг асосини белгилайдиган бўлади.

ХОЗИРГИ АДАБИЙ ЖАРАЁНДА АДАБИЙ ТАНҚИДНИНГ УРНИ, ХУСУСИЯТЛАРИ

Адабий танқид - «жамиятнинг интелектуал тараққиети кўрсатгичи, «ҳаракатдаги адабий, эстетик онг, «санъатнинг беором ишләтган мисяси», «кўламта эмас, ловуллаб турган алантга», «аҳмокни ақдли, оломонни ахли дарк қилиб қўймайдио, бебошвок хисларни, мудрок туйғуларни ақл нури билан ҳаракатлантиради». Адабий танқид энг янги адабиётда ўз моҳиятини шуро давридаги танқидга иисбатан тамоман узгартириди. Шуро адабий танқидчилигига коммунистик мафкуруни тарғиб қилиш, соцреализм методи талабларига риоғ қилиш асос ҳисоб-ланарди. Мунакқидлар бадий асарнинг коммунистик мафкурасини ёритиш, бадий образнинги гоявий илдизини очишга эътибор берардилар. Ваҳоланки, бадий асарни узлаштириш ва уни қайтадан китобхонга етказиб бериш (танқид жараёни) ниҳоятда ҳамоҳангидир. Адабий танқид ҳакидаги гапни узлаштириш ёху рецептив эстетикадан бошламоқ мақсадга мувоғидир. Бадий асарни узлаштириш канчалик мурракаб жараён булса, бадий асар ҳакида танқидий мулоҳаза билдириш, ҷунчалик мушкулдир. Адабий танқид китобхонда гўзаллик туйғусини тарбиялашни мақсақ қилиб қўяди. Гўзаллик туйғуси бадий асар поэтикаси, гоявий илдизлари, образларидаги ҳаётлилиг ҳакида тухтаниниши тақазо этади. Ҳақиқий адабий танқид юқсан санъат асарлари талкини жараёнида вуҷудга келади. Ҳақиқий мунакқид ўз дидига мос, ўз услугига эга санъаткорни излайди. Адабий танқидчи билан санъаткор орасида яқинлик булса, иш осон кўчади.

Адабий танқидни баъзилар бадий ижод турига киришсаш, баъзилар адабий танқидни фан деб белтилади. Адабий танқид бадий асардаги гузалликни бетакрор услубда намоёнӣ этади. Шунинг учун ҳам уни санъат дейдилар. Адабий танқидни фан деювчилар ундаги хуносани асос қилиб оладилар. Адабий танқид бадий асардаги гайришурий, савқитабий қарашларни мантиқан, ақл кучи билан ёритиб беради. Адабий танқид талкин, таҳлил орқали бадий асарни баҳолайди. Адабий танқид азал-азалдан эстетик, нафосатшуносли билан узвий боғлиқ. Эстетиканинг герменевтика, акциологик сингари муаммолари бевосита адабий танқид билан боғлиқдир.

Адабий талкин биографик, ижодий-генетик, онтологик ёндашувларни тақозо этади. Бадий асар структурали, синчиклаб укиш йўлларидаги, интонацион, услубан таҳлил қилинади. Бадий асарга тарихий-кўсий, тарихий-типологик, тарихий-функционал ёндашлади. Бадий асарни баҳолаш турликлар талкинлар натижаси уларо юзага келади. Адабий танқид бадий асарга ўта нозиклик билан ёндашса, ундаги гузалликларни дил - фаросат билаш қашиф этса, илми гарифа пайдо булади. Илми гарифа бадий асар тўқимасига теран кириб бориши натижасидир.

Хозирги пайтда ўзбек адабий танқидчилигининг ҳолати қандай? Матбуотда адабий танқидий мақолалар, шарҳлар, портретлар, бадиалар чоп этиляпти. Йиллик мавзууий муддатли шарҳлар бериб бориляпти. Лекин адабий танқидда сустлик мавжудлиги кўзга аник ташланяпти. Тақриз - муаммоли мақола камдан-кам ёзиляпти. Колаверса «Этироф», «Китобнингизни ўқидик» сингари руқнларда берилётган мақолалар ҳақиқий тақриз талабларига жавоб бермаяпти.

Истиклол даври адабий танқидчилигининг илмий-назарий асослари ёритилиб берилганди йўқ. «Адабий танқид қандай фалсафий қарашларни акс эттиради», «Эстетикадаги қайси муаммолар танқидчиликка тааллукли?», сингари саволлар очик колмоқда.

Адабий танқидчилик ҳозирги пайтда кўпроқ тарихий-функционал ёндашув тамойлигига кўра иш кўрояти. Бошқача айтганда, адабий танқид истиклолгача бўлған, ҳатто мумтоз адабиёт намуналарини қайтадан баҳолаш билан шуғулланмоқда. 90-йиллар адабий танқидчилигига кўпроқ Чўлпон, Фиграт, Абдулла Қодирий, Элбек, Абдулла Авлоний, Ҳамза сингари жадид адабиёти намоёндалари ижодини қайта баҳоламоқда. Бу вазифани амалга ошириши адабий танқиднинг асосий вазифаси эди. Чўлпон, А. Қодирий, Элбек, Ҳамза таваллудининг 100 ийллиги бу ишларни янада тезлаштириди. Чўлпон ҳакида О.Шарафиддинов, Н.Каримов, Д. Куронов, С. Мамажоновларнинг китоблари чоп этилди. Замира Эшонованинг Чўлпон поззияси тақлилига («Ҳақ иули, албатта, бир утилгуси», «Жаҳон адабиёти», 1 сон, 1997), Дилемурод Куроновнинг Чўлпон насири талкинига («Жаҳон адабиётига йўл», «Жаҳон адабиёти», 6 сон, 1997) бағшланган мақолалари чоп этилди. Хайрулла Исиматулла «Чўлпон ва жаҳон мақоласида («Жаҳон адабиёти», 4 сон, 1998) улуғ Шоир ижодининг жаҳон адабиёт шунослари томонидан урганилишини таҳлил килади. Шоир Элбекнинг юз йиллиги

муносабати билан Р. Иноғомовнинг «Кесилган умид» мақоласи («Жаҳон адабиёти», 6 сон, 1998) босилди.

Бойбута Дустқораевнинг «Туркистон жадидларининг йирик сиймоси» мақоласида («Жаҳон адабиёти», 3 сон, 1998) Мунварқори Абдурашидхоновнинг ижтимоий-сийсий, мәърифатпарварлик фаолияти ёритилди. Адабиётшунос Илхом Фаниев «Шекспир ва Фитрат» («Жаҳон адабиёти», 3 сон, 1999) мақоласида улуғ драматург Фитрат ижоди ҳақида фикр юритади. Махмудхужа Бехбудий, Абдула Авлоний асарлари чоп этилди. Беҳбудинийнинг «Танланган асарлар»и ҳақида Б. Дустқораев «Муроди-ҳақ йўлинида жон фидо этиш эди» («Жаҳон адабиёти», 9сон, 1998) номли тақриз-мақола чоп этирди.

Ҳамза таваллудининг 110 йиллиги муносабати билан У. Норматов («Янги бир анъананинг туғилиши», Л. Каюмов («Биз билмаган Ҳамза»), С. Мамажонов сингари олимларнинг мақолалари чоп этилди. Ҳамза асарлари истиқол даврида яратилётган дарсликлардан ҳам ўрин олмоқда. Бу соҳадаги ишларда камчиликлар ҳам рўй беряпти. Адабиётшунос Ҳусмонжон Қосимов дарслик-мажмуулар ҳақида ёзилган «Такрор шартми?» («Жаҳон адабиёти», 12 сон, 1998) мақоласида ёзди: «...асосисиз кайтарикларни XX аср адабиётимиз намояндадла хәти ва ижоди мисолида ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, Ҳ. Ҳ. Ниёзийнинг баъзи ноаинкликлардан ҳоли булмаган таржимаи ҳоли ва «Ингла Туркистон» ва «Дардига дармон истамас» каби шеърлари ҳам бир неча синф дарслик-мажмууларидан ўрин олган. Бу эса укувчида ҳакли эътиroz тушгарида. Шу муносабат билан мантиқий бир савол беришга тўғри келади: Кошгарӣ, Рабгузӣ ёки Ҳамзанинг айни бир асарини куйи синфда ўтгандা, улар юзакироқ ва қисқароқ таҳлил этилиши керагу юкори синфга борганда эса яна шу асарларни кенгрок ӯрганиши кузда тутилганмискин? Бизнингча, дарслик-мажмууларимизни мукаммалаштириш ва укувчилиримизнинг инсоншунослик деб аталашиб инжана бир оламга булган меҳр ва иштиёқини кучайтириш учун энг аввало мана шундай ўринисиз такрор ва кайтариклардан бартараф этиш жоиз кўринада» (202-бет).

Абдулла Қодирий таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан унинг асарлари янгича қарашлар нуктаи назаридан баҳоланди. У. Норматовнинг «Қодирий bogi» («Ёзувчи», 1994) М. Кўшконовнинг «Узбекнинг ўзлиги» («Ёзувчи», 1994) китоблари чоп этилди. «Абдулла Қодирийнинг бадиий дунёси» («Университет», 1994) тўпламига 8 та иммий-таҳлилий мақола киритилган бўлиб, адаб асарлари, эстетик дунёси таҳлил килинган. Адабий танқид А. Навоий, Бобур, Машраб, Нодира, Ҳусайнӣ, Амирий сингари санъаткорлар ижодини, алоҳида асарларини янги замон руҳида таҳлили, талқин килмоқда. Адабий танқид ва адабиётшунослик миллий адабиётшуносликнинг жаҳон адабиёти билан ҳамкорлиғи, узаро таъсири ҳақида иммий-назарий тадқикотлар олиб бормоқда. Бу ўринда Ф. Сулаймоновнинг «Ғарб ва Шарқ» («Фан», 1995), Нажмиддин Комиловнинг «Тафakkur карвонлари» («Маънавият», 1999) асарларини мисол сифатида келтириш мумкин.

Адабий танқид мумтоз адабиётимиз намуналарини ўзлаштириш соҳасида жиддий ютуқларга эришмоқда. Сўнги 10-15 йил ичидаги Алишер Навоий, Машраб, Мұхаммад Фузулий, Оғоҳий, Феруз, Амирий, Нодира, Фурқат асарларини тарихий - функционал ӯрганиши авж олди. Адабиётшуносу танқидчилар, шоиру санъаткорлар машҳур газалларни байтма-байт шарҳлашга, газаллардаги мазнини, бадиий маҳоратни ёритиб беришга интилмоқдалар. Эркин Воҳидов, Алибек Рустамий, Наж-миддин Комилов, Матназар Абдулҳаким, Комил Аваз, Иброҳим Ҳаққул сингариларнинг газаллар моҳиятига кириб бориши дикқатни жалб этмоқда. Нафақат газаллар, балки Алишер Навоийнинг достонлари, Жалолиддин Румий маснавийлари янгидан талқин килинмоқда. Бу ўринда мен Шуҳрат Ризонинг «Сади Исқандарий» асосида яратилган «Искандар» саҳна асарини, шоир Аскар Маҳкамнинг маснавийлар таржимаси-шархи хусусиаги меҳнатини назарда тутяпман.

Хозирги адабий жараён мумтоз адабиётнинг «қайта жонлантирилган» - талқин-шарҳланган асарлари билан бойитиш-ҳаши, лекин адабий танқид кўпроқ хозирги асарларни талқин, таҳлил қилиш, баҳолаш билан шуғулланмоғи зарур. Адабий танқид Назар Эшонкул, Шодикул Ҳамро, Немыйат Арслон, Асан Дилмурод сингари ёзувчиларнинг жаҳон модерн адабиёти таъсирида яратилган «Қора китоб», «Қора күш», «Мавхумот», «Фано даштилаги күш» сингари кисса, романларини талқин қилишга эътибор бермаяпти. Кўплаб достон, кисса, романларга ҳатто тақриз ҳам ёзилмаяпти.

Сунгити 5-6 йил ичиди бадиий адабиёт оқимига «муаллифнинг ўз ҳисобидан» чоп этган роман, қисса, шеър, достонлари кўшилиб кетди. Бошқача айтганда, чоп этиластии асарларнинг бадиийлик масаласига эътибор берилмай қўйди. Ҳозирги кунда адабий танқиднинг нақадалик-сарапловчилик хусусияти сувдай, ҳаводай зарур булиб турибди, Ҳом-хатала, пул тўлаб чиқарилган асарлар бадиий адабиёт оламидаги экологик мухитни булғаб ташлаяпти.

Хуллас, адабий танқид ҳозирги адабий жараёнда ӯзининг муносиб үрнини эгаллай олмаяпти. Ҳозирги диди нозик, қилни кирк, ёрадиган, истиклол адабиётига сидқидилан хизмат қиласидиган танқидчилар зарур. Адабий танқиднинг асосий майдони ҳисобланмиш «Шарқ ўлдузи», «Ёшлик», «Тафаккур», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Ёзувчи» сингари журнал ва газеталарда танқидчилар асарлари ахён-ахёнда бериладиган булиб қолди. Адабий танқидга эътибор кучайтирилмас экан, бадиий адабиётимизнинг гуллаб-яшнаши кўнгилдагидай бўлмайди.

Адабиётлар

1. Н.Комилов. Тафаккур карвонлари. «Маънавият». 1999.
2. О.Шарафиддинов. Сардафтар сахифалари. «Ёзувчи». 1999.
3. У. Норматов. Қодирий бояи. «Ёзувчи». 1994.
4. А.Расулов. Илми гарібани кўмсаб.... «Маънавият». 1998.

Босишга рухсат этилди 6.06.2000. Ҳажми 1,5 босма табоқ.
Бичими 60x84 1/16. Адади 100 нусха. Буюртма 449.
М.Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети
босмахонасида чоп этилди.